

1.МАЪРУЗА МАТНИ

23-мавзу: Ижтимоий таъминот

- 1.Ижтимоий таъминотнинг моҳияти ва иқтисодий асослари.**
- 2.Давлат пенсияси ва жамғариг бориладиган пенсия .**
- 3.Ижтимоий нафақалар.**

Ижтимоий таъминот – кексайган, меҳнатга лақатсиз бўлган ва боқувчисини ёўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича далат томонидан белгиланган ижтимоий-иктисодий тадбирлар тизимиdir. Ижтимоий ҳимоянинг тухим тармоғи ҳисобланади.

Ижтимоий таъминот тўғридан-тўғри давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, ҳомийлар (трли фонд ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий таъминот Миқдори ва тақдим этиш тартиби миллий урф-одатлар ва халқаро меъёрларга асосан ишлаб чиқилган қонунчилик ҳамда давлатнинг иқтисодий имконияти доирасида амалга оширилади. Пенсиялар (кексалик бўйича, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик бўйича) ва ижтимоий нафақалар (ногирон болаларга, болаликдан ногиронларга, ишламаган ёлғиз ногирон ва кексаларга) тўловлари Ижтимоий таъминотнинг муҳим элеменлари ҳисобланади.

Ижтимоий нафақа – муайян сабабларга кўра , меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган ва домий равища ёрдамга муҳтож фуқароларга давлат томонидан бериладиган нафақа. Биринчи марта Ўзбекистон Республикасида ижтимоий нафақа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июнданги қарори билан жорий қилинган.

Ижтимоий нафақа 16 ёшгача ногирон болалар, 1- ва 2-гурух болаликдан ногиронлар ҳамда пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига эга бўлмаган ва уларни боқишига мажбур бўлган қариндошлари бўлмаган пенсия ёшидаги фуқароларга, 1- ва 2-гурух ногиронларига тайинланади.

Ижтимоий нафақа микдори пенсия микдоридан фарқли равища қатъий белгиланади.

Давлат ижтимоий таъминоти - бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларни кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, шунингдек, болали оиласаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш давлат тизимиdir.

Пенсия - ижтимоий таъминотнинг, кексалар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга моддий ёрдам кўрсатишнинг энг асосий ва энг оммавий туридир. Пенсия таъминоти барча мамлакатларда ижтимоий дастурларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Бугунги кунда Ер юзида ёрдамга муҳтож миллионлаб кишиларнинг энг зарур эҳтиёжлари пенсия тўловлари орқали қондирилади.

Катта ёшлилар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганларни ижтимоий муҳофазалаш тизимида пенсия таъминоти асосий бўғин ҳисобланади. У бир неча вазифани бажаради, уларнинг энг муҳими меҳнат қобилиятини йўқотганликдаги компенсациядир. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида 2,5 миллиондан ортиқ киши пенсия олади.

Жамғарib бориладиган пенсия таъминоти маблағларини кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банк бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 88-сон ва 282-В-сон қарори билан «Жамғарib бориладиган Пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низоми тасдиқланди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, жамғарилиб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шу жумладан молиявий воситаларга жойлаштириш тартибини белгилаб берди.

Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банки номидан Халқ банки томонидан омонатчиларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади ва Низом асосида бошқарилади.

Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий анъаналари - мустаҳкам оила, ижтимоий ўзаро ёрдам анъаналарига мувофиқ кексалар ва болаларнинг эҳтиёжларига нисбатан сезгирилик, диққат-эътибор билан қаралади, муҳофазасиз қолганларга муруваттаги кўрсатилади. Республика ижтимоий сиёсати ҳам маънавий мезонларни ҳисобга олишга асосланади. Мустақил Ўзбекистонга мерос бўлиб қолган ижтимоий таъминот, жумладан, пенсия таъминоти тизимини пухта ўйлаб, аста-секин ўзгартириш энг мақбул йўл, деб топилган. Мазкур йўл, бир томондан, бозор иқтисодиёти шароитида қўлласа бўладиган, аҳоли ўрганган ва адолат ҳақидаги ижтимоий тасаввурга мос келадиган унсурларни танлаб олиш ва сақлаб қолиш, иккинчи томондан, хўжалик ривожланишига тўсқинлик қиласиган ёки бозор иқтисодиёти шароитига мос келмайдиган илгариги ижтимоий тизим нуқсонларини аста-секин тузатишни кўзда тутади. Булар меҳнатга рағбатни сўндирадиган тенгчилик тамойилларидан воз кечиш, тадбиркорликка, оила жамғармаларини оқилона жойлаштириш орқали даромад олишга ҳавас ўйғотиш кабилардир.

Ижтимоий ёрдамни икки асосий турга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- пенсия қўринишидаги ёрдам;
- нафақа қўринишидаги ёрдам.

Қонунга мувофиқ пенсиялар З турга бўлинади:

- қариллик пенсияси;
- ногиронлик пенсияси;
- боқувчисини йўқотганлик пепсияси.

Ўзбекистонда болаларга нафақа тўлаш тизими қуйидаги тартибда ишлайди:

1. Бола туғилганда ота-она иккита энг кам иш ҳақи миқдорида бир йўла бериладиган нафақа олади, бу инфляция ўсган тақдирда нафақанинг бу турини индексация қилишни осонлаштиради.

Бола туғилгандаги нафақадан ташқари она ёки болага қарайдиган шахс бола икки ёшга етгунга қадар нафақа олиш хуқуқига эга бўлади.

2. Болалари 16 ёшгача бўлган оилаларга умумий нафақалар.

Биринчи: Ижтимоий зиддиятлар уз мохиятига кура хамиша сиёсий, ижтимоий ва иктисадий узгаришларнинг харакатлантирувчи кучи булиб хизмат килади. Узгаришларнинг кай тарзда ё изчил, тадрижий йул билан бориши, ё булмаса, кескин шаклларга кириши: ижтимоий норозиликлар, стихияли портлашлар, хатто фукаролар урушлари ва инкилоблар тусини олиши тупланиб колган ижтимоий муаммоларнинг кай даражада кескинлигига, хукмрон тузилмаларнинг бу муаммоларни хал кила олиши ёки хал кила олмаслигига boglik.

Шу сабабли тараккиётнинг хамма боскичларида одамларнинг ижтимоий кайфиятларини, ижтимоий муаммоларни назар-писанд килмаслик баркарорликка ва миллий хавфсизликка катта хавф тугдиради.

Иккинчи. Одамларни даъват этувчи ижтимоий сабабларнинг руёбга чикиши жуда мухим ахамиятга эгадир. Заминимизда яшаётган одамларнинг муносиб ва эркин, фаровон хаётини таъминлаш, хар бир киши хукук ва имкониятларидан тулик фойдаланиш учун барча зарур шароитларни яратиш – жамиятимизни ислох килиш ва янгилаш пайтида олидимизга куяётган гоят мухим вазифалардандир. Шу боис эски тотолитар, мафкуравий, буйрукбозлик – таксимот тузумига хамда сохта тенглик ва меҳнатни кадрлаш учун соглом негиз булмаган бир холатга кайтиш биз учун макбул эмас.

Агар утиш даврида пировард максадга эришиш – жамиятни демократлаштириш ва бозор иктисиётини руёбга чикириш учун айрим боскичларда одамларнинг моддий ахволи ёмонлашувига олиб келадиган номатлуб, баъзан кескин карорлар кабул килишга тугри келиши хисобга олинса, ахолининг ижтимоий химояланмаган катламларини куллаб-куватлашга доир чоралар куриш канчалик ахамият касб этиши аён булиб колади.

Юкорида курсатиб утилганидек, ислохотларнинг мохиятига тураларга путур етказиш, ижтимоий адолатни бузиш, хокимятнинг турли погоналаридаги коррупция ахолини шундай хам танг ахволини янада оғирлаштириб, жиддий ижтимоий зиддиятларга олиб келиши мумкин.

Бу хол утмишни кумсанш кайфиятлари уйгониши учун қулай замин яратади, шовинизм ва сохта ватанпарварликдан тортиб то муросасиз социалистик кайфиятдаги турли харакатларгасча озик берувчи мухит булиб хизмат килади. Бундай холатда ахоли орасида ижтимоий норозилик кайфиятларининг гаразли, тор сиёсий манбаатларини кузлаб муттасил кузгатиб турилиши хам фукаролар тенглигига, баркарорлик ва хавфсизликка таҳдид солади.

Учинчи. Кенг куламдаги узок муддатли ислох килиш жараёнининг дастлабки боскичини- «мен энг кийин, ижтимоий портлаш хавфи булган

боскич, деб атаган булардим» – дейди И.А.Каримов. бунинг сабаби шундаки, утиш даврининг узи куп холларда бир канча хал килинмаган ижтимоий муаммоларни келтириб чикаради ва учунлар замиридаги ларзага соладиган кучни узида саклаб туради. Шу билан бирга бир сиёсий ва иктиносидий тизмдан иккинчисига утиш хам янги муаммоларни тугдириши ва муайян ижтимоий камчиликлар билан боғлик булиши мумкин.

Куп мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига утиш силлик, ижтимоий кийинчиликларсиз. Осон кечмаслигини курсатади. Бу объектив жараёндир.

Иктиносидётнинг эркинлаштирилиши, айникса истеъмол нархлари ва тарифларнинг «эсанкиратадиган» тарзда куйиб юборилиши, ишлаб чикиришнинг пасайиб кетиши, туловларни амалга оширмаслик билан боғлик тангликнинг кескинлашуви, пул муомаласининг бузилиши купчилик янги мустакил давлатларда истеъмол нархларининг кескин усишига, жамгармаларнинг кадрсизланишига, ахолининг анчагина кисми турмуш даражасининг пасайишига, бутунлай ёки кисман ишсизлар сонининг усишига олиб келди. Бу даврда ахолини ижтимоий химоялаш ва куллаб-кувватлашга каратилган чораларга етарли эътибор бермаслик ахолининг анча кисми кашшоклашувига, уларнинг люмпенлашувига олиб келиши мумкин. Бир канча мамлакатларда шундай булди хам. Маълумки, бундай холат ижтимоий бекарорликни вужудга келтирувчи мухит булиб хизмат килади.

Туртинчи. Утиш даврининг кескин ижтимоий муаммоси куп кишилар учун карор топган турмуш тарзининг бузилишидан, хаётий мулжалларнинг, фикрлаш тарзи, ижтимоий феъл-атвор, бокимандалик кайфиятининг узгаришидан иборат. Утиш даврида одамларнинг тафакур юритиш психологияси узгаради, бу эса, аёнки хамма вакт хам осон кечавермайди.

Утиш даврида эскича ва янгича фикрлаш уртасидаги, утмиш ва хозирги замоннинг кадриятлар тизими уртасидаги зиддиятлар янада кескинлашади.

Халқимизнинг маънавий бойликларни, жаҳон цивилацияси энг яхши ютукларини узида мужассамлаштирган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг мухим вазифасидир. Факат ана шу асосдагина, олдимизга куйилган юксак максадлар барчамиз учун хаётимизнинг мазмунига айланиб колганидагина миллатнинг онгли ватанпарварлик рухини юксалтириб, ривожланган илгор мамлакатлар каби тараккиёт йулидан илдам кадам ташлаш имкони туғилади.

Хар кандай мамлакатда турли куринишдаги тенгизликлар купайса ёки учунларнинг усишга имкон пайдо булса, учунлар ижтимоий баркарорлик учун хавф тугдиради. Ижтимоий муаммоларнинг кескинлиги кимларнингдир камбагаллиги ёки бойлигига эмас, балки ушбу ижтимоий табакалар уртасида хаддан ташкари катта фарқ пайдо булишидадир. Бу эса беихтиёр учунларнинг карама-каршилигига олиб келади.

Аёнки, агар жамият манфаатлари ва интилишлари мутлако карама-карши булган одамлар гурухларидан иборат булса, хамма вакт ижтимоий зиддият хавфи, демакки, миллий хавфсизликка таҳдид хам мавжуд булади. Ижтимоий зиддиятларнинг хаддан ташкари кескинлашуви жамиятда

ижтимоий баркарорликнинг бархам топишига, ички мажароларга ва хатто фукаролар урушига хам олиб бориши мумкин.

Шунинг учун хам утиш даврида демократик давлатнинг энг муҳим вазифаси ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдан, бу даврнинг мукаррар кийинчиликларини эҳтиёт чоралари хисобига юмшатишдан ва одамларнинг янги турмуш шароитларига мослашишни осонлаштиришдан иборат. Аслини олганда, Узбекистон амалга ошираётган сиёсатнинг бозор муносабатларига утаётган бошка давлатлар сиёсатидан энг муҳим афзалликларидан бири хам шундадир.

Ижтимоий келишувни кандай таъминлаш мумкин, ижтимоий хамжихатликка, шу жумладан минтакалараро тотувликка кандай эришиш мумкин, деган мураккаб саволларга жавоб топишига кодир булган давлат демократик ва иктисадий ривожланишга умид боглаши мумкин.

Ижтимоий бирдамликни таъминлаш – ижтимоий зиддият ва тенгиззилкларнинг узларини адолатсиз равишда хамма нарсадан бебахра булиб колган ёки хак-хукуклари камситилган деб хисобловчи бутун-бутун ахоли гурухи ва табакалари вужудга келадиган даражага боиб етмаслигига эришиш демакдир.

Шу боисдан хам Узбекистоннинг уз янгиланиш ва тараккиёт йулига асос килиб олинган етакчи тамойилардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир. Бу демократик ва иктисадий ислохотларни муваффакиятли амалга оширишнинг, улар оркага кайтмаслигининг жуда муҳим шарти ва гаровидир.

Ишлаб чикилаётган таълим стандартлари негизида 74 ихтисослик буйича 350та укув дастури тайёрланди. Барча турдаги укув юртлари учун дарсликлар табирлаш давом этмоқда. Умумий таълим мактаблари учун 17та янги дарслик нашр этилди ва мавжуд 712та дарслик экспертиза килинди. Шулардан 521 таси ижобий баҳо олди. Олий укув юртлари учун 243та янги укув кулланмаси тузилди хамда 16 мингта мавжуд кулланма экспертиздан утказилди.

Согликни саклаши тизимини ислоҳ килиши юзасидан кабул килинган. Давлат дастури доирасида бир катор тадбирлар амалга оширилди. Шошилинч тиббий ёрдам Республика марказини барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Барча согликни саклаш булиларида амалга оширилаётган ислохотлар тиббий ёрдам олганларнинг умумий сони усган, стационал шароитларда даволанганлар сонини амбуляториялар уассасаларида кабул килишни купайтириш хисобига кискартириш имконини берди. Согликни саклашги килинган харажатларнинг умумий хажмида амбулятория-поликлиника хизмати курсатишга харажатлар улуши 50%гача ошди.

Яна булардан ташкари Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан «Умид» жамгармаси, «Камолат» фонди. «Устоз» жамгармаси ва бошка фонdlар фаолият курсатмоқда. Буларнинг асосий вазифаси иктидорли талabalар ва устозларни чет мамлакатларга юбориб, учунларни етук мутахассис килиб этишириб олиб келишяпти. Булар чет элнинг илми, маданияти, иктисади, сиёсати ва маънавиятин Узбекистонга мослаштириб

тадбик килишлари керак ва шундай киляптилар хам. Бу одамлардан Узбекистон халки ва шахсан мен хам ишончим катта. Ишонаманки бу кишилар Узбекистонни ривожланган мамлакатлар каторига кушади. Яна шуни таъкидлашни хохлайманки XXI асрда биз талабалар чет эллик талабалардан эмас, балки улар биздан урнак олишлари шарт.

Узбекистон Республикасининг Ижтимоий сугурта жамгармаси ихтисослаштирилган молия-кредит муассаси булиб, учун республикада давлат ижтимоий сугурталаш маблагларини бошқариши керак. ИСЖнинг асосий вазифалари вактинча меҳнат кобилиятсизлик, хомиладорлик ва туғищ, бола бир ярим ёшга етгунча уни парваришлаш, ходимлар ва учунларнинг оила аъзоларини санаторий, курортларда даволанишини ташкил этиш, конун-хужжатларда назарда тутилган бошка максадлар учун давлат томонидан кафолатланган нафакаларни таъминлашдан иборатdir.

3. Ахолини ижтимоий химоя килиш сиёсати – бу давлатнинг фукаролар шахсий хаётига аралашиши эмас, балки инсон хак-хукукларини, жумладан, инсон хукуклари умумий декларацияси хамда иктисадий, ижтимоий ва маданий хукуклар тугрисидаги халкаро хужжатларда ёзиб куйилган, хар бир кишининг турмуш даражаси етарли даражада юкори булишини, озик-овкат, уй-жой, иш билан таъминлашни яхшилашга, саломатлигини тиклашга, маданий-майший эҳтиёжларини кондириш ва пенсия таъминотини йулга куйишга каратилган тадбирлар мажмуасидир.

Ялпи даромад буйича ахоли катламларининг табакаланиши. Халк хужалиги тармокларидағи юкори иш хаки курсаткичларига эга саноат ва хизмат курсатиш соҳаларида бандлиги тадбиркорлик билан шугулланувчилар сонининг ошиб бориши билан юкори даромад оладиган ахоли тоифалари ошиб боради ва маълум табакаланиш пайдо булади.

Ишсизликнинг пайдо булиши ва вактинчалик иш билан банд булмаганлиги учун туловларнинг жорий этилиши. Баъзи бир корхоналарнинг махсулот сифатсизлиги окибатида бозор талаби ва конъюнктурасига жавоб беролмаяпти, ишлаб чиқариш кискарияпти. Янги технология жорий этилиши натижасида кул меҳнатига булган булган талаб камаймокда.

Ижтимоий химоя обьектини аниклаб олиш – ижтимоий химоянинг муҳим шартларидан хисобланади. Ижтимоий химоя обьектига куйидаги ахоли гурухлари киради:

1. Ногиронлар.
2. Нафакаҳурлар.
3. ғш болалар.
4. Боқувчисини йукотган оиласлар.
5. Ёғллиз ва хомиладор оналар.
6. Кашшоклик чегарасидан кам даромад олувчи оиласлар.
7. Вактинча меҳнат кобилиятин йукотганлар.
8. Вактинча ва умуман ишсизлар.
9. Уқитувчилар, талабалар

Узбекистонда ахолини ижтимоий химоялашнинг яхшилаш, учуннинг самарасини кутариш куйидаги муҳим вазифаларни хал этишга боғлиқдир.

Биринчи. Бу - ишлаб чикаришни баркарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш. Пул кадрсизланишига карши самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, халк истеъмоли моллари ишлаб чикаришни жадал ривожлантириш, миллий валютани ва ички истеъмол бозорини мустахкамлаш натижасида ислохотларнинг бошлангич боскичидай турмуш даражасини саклаб колиш ва учуннинг кескин пасайиб кетишига йул куймаслик имкони яратилди.

Умр куриш даражаси узайди, гудаклар улими, жиноятчилик камайди. Бизда жиноятчилик МДХ мамлакатлари орасида энг паст даражада.

Иктисадиётнинг баркарорлашуви, Инвестиция фаолиятининг кучайиши, кичик ва урта бизнесни куллаб-куватлаш йули янги шичи уринларини ташкил этиш, иш билан бандлик муаммоларини хал килиш, иш хаки сакланиб колмаган ёки кисман сакланиб колган холда туликсиз иш кунида ишлаётган ва мажбуран мееехнат таътилида юрган шахслар сонини кескин кискартириш учун кулай замин яратди.

Гарчи Узбекистон нуфус соҳасидаги вазият мураккаб булган, ишга жойланиши муаммолари хамма вакт кескин турғган мамлакат булсадаромад, хозир республикада иктисадиёт баркарор ривожланиб бораётганлиги туфайли бу ердаги ишсизлик энг паст даражада дейиш мумкин. Айни чогда биз бундан буён хам иктисадиётда таркибий жихатдан узгаришлар килиш, энг аввало, кишолик жойларда ихчам ишлаб чикариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рагбатлантириш хисобига ахолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмокчимиз.

Иккинчидан. Бу – давлат маблаглари билан бир каторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ва жамгармаларининг маблагларини кенг жалб этиш.

Ахолига ижтимоий ёрдам курсатища маҳаллий хокимият ва бошқарув органларининг хукуклари анча кенгайтирилиши хамда маъсулияти оширилиши лозим. Улар минтакаларнинг имкониятларини хисобга олган холда ахолини ижтимоий куллаб-куватлаш соҳасида күшимча чора-тадбирларни амалга оширишга хаклидир. Маҳаллий органларнинг асосий вазифаси – одамларга уз фаровонликларини юксалитирш максадида меҳнат килиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Ижтимоий сиёсат, уни амалга ошириш механизmlари одамларнинг меҳнатдаги фаоллигини ва тадбиркорлигини устириш учун шарт-шароитлар яратишига каратилиши даркор.

Учинчидан. Бу – одамларнинг куч ва кобилиятлари тула-туқис фаоллашувини таъминлашга кодир булган кучли механизми вужудга келтириш. Бу механизмни биринчи навбатда, хар бир кишининг иктисадий эркинлиги, унинг узи ва оиласининг баҳт-саодати учун иктисадий жавобгарлиги билан уйгунашадиган шарт-шароитларни яратиш хисобига шаклантириш лозим. Уз кобилият ва меҳнатига таяниб иш тутиш фаровонликнинг бирдан-бир ва энг баркарор манбаи булиб коладиган

муносабатни вужудга келтириш. Бунинг учун хусусий мулк институтининг ривожланишини тезлаштириш жуда муҳим.

Бозор шароитларига мослашиши хозирги куннинг узидаёк ахоли жами даромадининг анча кисми тадбиркорлик фаолияти хамда мулқдан келган даромад хисобига вужудга келишини таъминламокда.

Туртинчидан. Бу – ахолининг даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз катта фаркларга йул куймаслик. Жамиятда ижтимоий баркарорликни таъминлайдиган катламларни шакллантириш.

Ахолини ижтимоий химоялаш борасида курилган чора-тадбирлар ахолининг даромадлар даражаси буйича кескин табакаланиши мумкинлигининг олдини олди. Бугунги кунда ахолининг энг яхши таъминланган гурухи билан энг кам таъминланган кисми олаётган даромадлар уртасидаги фарқ юкори хисбланувчи 8 баробардан 7,5 баробарга тушди. Бу фаркнинг 8 баробардан юкори булиши жамият ижтимоий жихатдан кескин табакаланганигидан дарак беради.

Бешинчидан. Бу – кашшокликка карши кураш. Ахоли энг муҳтоҷ катламишининг давлат томонидан куллаб-кувватланишини кучайтириш.

Хозирги жамиятнинг асосий иллатларидан бири кашшокликдир. Жаҳондаги биронта хам мамлакат, ҳатто энг бой мамлакат хам хозирча ундан кочиб кутула олмаган. БМТ Бош Ассаблеяси 1996 йилни кашшокликни тугатиш Халкаро йили дебэйлон килганлиги бежиз эмас.

Бозор иктисодиётига утиш даврида кашшоклик муаммоси янада чукур хис этилади. Бу хол, энг аввало, камбагаллар тоифасига ижтимоий ночор гурухларидан ташкари, ахолининг илгари улар жумласига кирмаган гурухлари, шу жумладан даромадлари уртacha ёки уртадан юкори даражада булғанлар гурухига мансуб куплаб кишилар хам кириб колиши билан боғликдир.

Кашшокликни тугатиш муаммоларини хал этишда ахолининг вужудга келган вазиятлар туфайли камбагаллик даражасига тушиб колиши мумкин булған «ночор гурухлар»и: ногиронлар, ёлгиз оналар, етим болалар, кексаларга алоҳида эътибор бериш талаб килинади. Бирок бунда курсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг аник максадга йуналтирилганлиги яккол куриниб туриши лозим.

Юкоридаги фикрларни умумлаштирган холда, зиммага олган вазифаларни амалга оширишда ахолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш жуда муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Республикада хозирги ижтимоий ахволни ана шу нуктаи назардан баҳолаб дадил айтишимиз мумкинки, ҳалкимиз чекига тушган ва утиш даврида мукаррар булған энг кийин синовлар ортда колди. Тор фикр юртиш, мағкуравий маҳдудлик билан боғликбулған хамма холатлар утмишга айланмоқда. Мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташкарисида хам юз берайтган барча ходисаларга даҳлдорлик хисси кучайиб бормокда. Мустакиллик йиларида нафакат узимизнинг, балки бошка мамлакатлар

миослида тупланган оз, аммо аччик тажриба куп масалаларда одамларнинг кузини очди, уларни янада донорок ва сабр-токатлирок килиб куйди.

Инсон маънавиятининг, юксак ахлок ва маданиятининг, гузал миллий анъаналари кайта тиклашнинг муazzам катламлари очилди.

Бугунги қунда ахолининг моддий фаровонлигига салбий таъсир курсата оладиган омиллар деярли йук. Аксинча, баркарорлаштирувчи, ахолининг турмуш даражаси усиши учун шарт-шароит ва ишончли кафолатлар яратиб берувчи омиллар тобора ортиб бормокда.

Энг муҳими эса – инсон ва фукаронинг фикрлаши ва дунёкараши узгармокда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тухтовсиз уисб бормокда. Бугун биз бундан саккиз йил олдинги хол билан солиштирадиган булсак узгариш ижобий тарафга купаймокда.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- Ижтимоий таъминот деб нимага айтилади?
- Ижтимоий таъминот бўйича харажатларнинг асосий кўринишлари нималардан иборат?

 - Пенсиянинг қандай кўринишлари мавжуд?
 - Нафақаларнинг қандай асосий кўринишлари бўлиши мумкин?
 - Ижтимоий таъминотнинг яна қандай шакллари ҳам амал қиласиди?
 - “Ижтимоий таъминот” тушунчасининг кенг маънода талқини нималардан иборат?
 - “Ижтимоий таъминот” тушунчаси тор маънода қандай тасаввур қилинади?

 - Ижтимоий таъминотнинг иқтисодий манбалари нималардан иборат?
 - Ижтимоий таъминотни вужудга келтиришнинг (яратишнинг, қуришнинг, тузишнинг) принциплари таркибига нималар киради?
 - Ҳозирги пайтда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг асосий негизида қандай принцип ётади ва унга мувофиқ пенсияларнинг қандай даражаларини ўрнатиш кўзда тутилмоқда?
 - Давлат пенсияси тўғрисидаги қонунга мувофиқ пенсиянинг қандай турлари қўлланилиб келинаяпти?

 - Қариллик пенсиясига хос бўлган хусусиятлар нималардан иборат?
 - Ногиронлик пенсияси қандай ҳолатда тайинланади ва унинг миқдорига нималар ўз таъсирини кўрсатади?
 - Боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия кимларга мўлжалланган ва унинг даражаси нималарга боғлиқ?
 - Хизмат қилган йиллари учун пенсия қандай омилларга боғлиқ равишда ўрнатилади?

 - Ижтимоий пенсия кимлар учун белгиланади?
 - Ижтимоий нафақаларнинг таркиби нималардан иборат бўлиши мумкин?
 - Ҳомиладорлик ва туғиши бўйича нафақалар кимларга берилади?
 - Ҳомиладорлик ва туғиши бўйича нафақанинг миқдори қандай белгиланади?
 - Боланинг бир ярим ёшга етгунига қадар парвариши бўйича таътил даврида бериладиган нафақа кимларга берилиши мумкин?

2.ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

22.1. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти ва аҳамияти

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари

- марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари ихтиёридаги қатъий мақсадли хусусиятга эга бўлган молиявий мабпағпап йиғинлисилип
- ҳар бир алоҳида давлат молия тизимининг ажралмас бўғини хисобланади
- молиявий маблағларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш бевосита молиявий меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштирилади ва тартибга олинади
- ижтимоий-иктисодий хусусиятига кўра, муайян бир аҳоли қатлами ёки инвестицион дастур эҳтиёжларини назарда тутиб, мамлакатда яратилаётган миллий даромадни қайта тақсимланади оларни тонклик сифтилди
- Давлат умумжамият аҳамиятига молик бўлган ижтимоий-иктисодий чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларда шаклланаётган молиявий ресурсларнинг бир қисмини молиянинг тақсимлаш функцияси орқали давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ихтиёрига жазаб кипали

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари



Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этиш

Маълум бир харажатларни Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан муҳим умумжамият аҳамиятини касб этувчи муаммоларни ҳал

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармасини шахсий (ўзлик), маҳсус ажратма ва бадал маблағлари ҳисобидан шакллантириш


Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалири даромадини шакллантиришнинг асосий методлари

Маҳсус солиқлар,
йиғимлар ва
ажратмалар


Давлат бюджети
маблағлари ва
заёмлар

Давлатнинг бюджетдан ташқари

жамғармалари молиявий




Давлатнинг бюджетдан ташқари




Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари


молиявий монбозори



Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини классификацияси



Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини давлат сиёсий тузумига мувофиқ



3.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ

1-Топшириқ. Тестларни ечинг.

№	Мавзу номи	Савол	Жавоб А	Жавоб В	Жавоб С	Жавоб Д
1	Ижтимоий таъминот	Қарилик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари ва бокувчисининг йўқотганлиги муносабати билан фукароларни моддий жихатдан таъминлаш учун маълум пул суммаларининг даврма-давр тўланмаларидан иборат бу.....?	Бюджет трансферти	Нафака	Бюджет лойиҳасини тузиш, бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш	Тўғри жавоб келтирилмаган
2	Ижтимоий таъминот	Пенсиянинг қандай кўринишлари мавжуд?	Қарилик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари, бокувчисини йўқотганлиги учун ва ижтимоий пенсия	Ишсизлик, хизмат қилган йиллари учун ва бокувчисини йўқотганлиги учун пенсия	Жорий йилнинг 15 июнигача	Жорий йилнинг 15 мартағача
3	Ижтимоий таъминот	Нафаканинг қандай асосий куринишлари мавжуд?	Ишсизлик ва вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалар	Хомиладорлик ва туғиши бўйича, фарзанд тугилганда, бола парвариши бўйича нафақалар	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Президент Девони
4	Ижтимоий таъминот	Корхоналарда ижтимоий сугуртага ажратмалар қайси кўрсаткичга нисбатан фоизларда ҳисобланади?	Корхона ялпи даромадига нисбатан	Тушумга нисбатан	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси	Ўзбекистон Республикаси Президент девони
5	Ижтимоий таъминот	Бокувчисини йўқотганлиги учун пенсиянинг миқдори нималарга боғлиқ?	Вафот етган шахснинг иш стажига	Вафот етган шахснинг ўлими сабаблари	Аввалги молия йилида амалада бўлган солиқقا торцҳ ва мажбурий тўловлар тўлаш тартиб ўз кучини йўқотмаган холда	Барча жвоблар тўғри
6	Ижтимоий таъминот	Фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимиға қўшимча равишда жамғаривор бориладиган пенсия тизими қачон жорий қилинди?	2004 йил 1 январ	2005 йил 1 январ	Бюджетдан маблағ олувчилярнинг молия-хўжалик фаолиятини тфтиш килади	Барча жвоблар тўғри

2-топшириқ. Қуидаги иқтисодий түшунчаларга таъриф беринг.

1. Ижтимоий таъминот–бу ...
 2. Ижтимоий таъминотнинг мухим элеменлари–бу ...
 3. Ижтимоий таъминотнинг кўринишлари–бу ...
- 3. Эссе. Ижтимоий таъминот. (интернетдан фойдаланиш мумкин, 10-15 гапдан иборат кичик иншо ёзинг)**
- 4. Ижтимоий таъминот бўйича 15-16 та сўздан иборат кроссворд тузинг.**

4.ГЛОССАРИЙ

23-мавзу: Ижтимоий таъминот

Ижтимоий таъминот (социальное обеспечение, social security) – кексайган, меҳнатга лақатсиз бўлган ва боқувчисини ёўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича далат томонидан белгиланган ижтимоий-иктисодий тадбирлар тизимиdir.

Ижтимоий таъминотнинг муҳим элементлари (Социальное обеспечение является важным элементом, Social security is an important element) - пенсиялар (кексалик бўйича, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик бўйича) ва ижтимоий нафақалар (ногирон болаларга, болаликдан ногиронларга, ишламаган ёлғиз ногирон ва кексаларга) тўловлари ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг кўринишлари (Формы социального обеспечения, Forms of social security) қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш – ногиронларни “Муруват” уйларига, ёлғиз қарияларни “Саҳоват” уйларига жойлаштириш, муҳтожларни протез-ортопедия ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш, ногирон болаларни касбга ўқитиш ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш, пенсионерларни санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, уларга шаҳар транспортидан, тураг жой, майший хизмат ва солиқларга алоқадор имтиёзлар бериш.

Пенсия (пенсия, pension) – меҳнат стажига кўра қўлга киритилган ҳукуқ, ижтимоий нафақа эса муҳтожларга давлат томонидан кўрсатиладган ёрдам деб белгилаб қўйилди.

Ижтимоий нафақа (социальные льготы, social benefits) – муайян сабабларга кўра, меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган ва домий равища ёрдамга муҳтож фуқароларга давлат томонидан бериладиган нафақа.

Моддий ёрдам (финансовая помощь, financial help) – ишсизлар, қочоқлар ва мажбурий қўчиб ўтган-ларга бир марталик тў-ланмалар ва бошқалар

Имтиёзли тўланмалар, компенсациялар (Снижение компенсации, Reduced compensation) – уй-жой-коммунал хизматларига, транспорт хизматлари, санатория-курорт даволашлари ва даво-лаш воситалари билан таъминлаш хизматларини тўлаш ва бошқалар

5.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). – Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия”, 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Ҳайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

6. ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ